



O'ZBEKISTON OVOZI

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Парламентда



Санжар ШОТУЛГАНОВ олган суратлар.

ҚОНУНЛАРНИНГ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ

мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлиги ва рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилidir



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг Давлат мулк қўмитаси томонидан Тошкент шаҳридаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар, масъул вазирлик ва идоралар, тегишли ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

→ 2

ЎзХДП: маҳаллий кенгашларда

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

депутатлар ва партия фаолларининг кундалик ишига айланиши лозим

Бугун сиёсий партия жамият тараққиётига муайян таъсир кўрсатиши, электорати манфаатини ишончли ҳимоя қилиши учун етарли меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилди. Бир сўз билан айтганда, уларга ишонч ҳам, талабчанлик ҳам кучаймоқда. Шунга мувофиқ, ҳар бир сиёсий куч одамларни ташвишга солаётган муаммолар ечимини топишга астойдил ҳаракат қилиши, амалий ишлари билан жамиятга нафи тегиши керак.

2-бет

ЮКСАК ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

Президентимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригидаги самимий дил сўзлари нафақат журналистлар, балки бошқа соҳада фаолият юритаётган кўплаб юртдошларимиз қалбида ҳам чуқур таассурот қолдирди. Бу — бежиз эмас. Зеро, унда мамлакат тараққиётини янги босқичга кўтариш, ҳаётимизни янада гуллаб-яшнаши учун қимматли ва ҳар биримизга дахлдор фикр-мулоҳазалар айтилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар кучли фуқаролик жамияти шаклланишига қаратилган. Бу жараёнда ОАВ ва журналистларнинг муносиб ўрни бор, албатта. Зеро, ахборот эркинлигини таъминлашдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва маслақларини эркин ифода этадиган минбарга айлантиришдан туриб, бу мақсадга эришиш бўлмайди. Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Шундан бўлса керак, табриқда: «Бизнинг энг юксак мақсадимиз бўлмиш тараққий толган замонавий демократик давлатлар қаторидан жой олиш йўлида омма-

вий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлигини янги босқичга кўтариш, матбуотнинг том маънода мустақиллигига эришиш, бунинг учун авваламбор, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва барқарор ривожланиши учун зарур манбаларга эга бўлиши билан боғлиқ масалаларни ечиш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда», дея алоҳида таъкидланган.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ этиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш

бўйича илгари сурилган қатор қонун лойиҳалари устида парламентда махсус ишчи гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Хусусан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳалари, уларда кўзда тутилган асосий масалалар жойларда ташкил этилаётган тадбирларда, давра суҳбатларида ва ОАВ орқали жамоатчилик эътиборига ҳавола этилмоқда. Фуқаролар ва соҳа мутахассисларидан тушаётган таклиф ва мулоҳазалар бу лойиҳаларни замон талаби бўйича такомиллаштиришга хизмат қилаётди.


Бу заъй-ҳаракатлар замирида аввало машаққатли, масъулиятли ва шарафли касб ривожланиши учун янги имкониятлар яратиш, ОАВ ходимларини ҳар жиҳатдан фаол, халқимиз хоҳиш-иродаси ва манфаатининг жонқуяр ҳимоячиси бўлишдек эзгу мақсадга эришиш истаги мужжасам.

Ҳафиза КАРИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

ДАВЛАТИМИЗНИНГ МУҚАДДАС РАМЗИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинганига йигирма йил тўлди

Халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами — Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллиги тобора яқинлашмоқда. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган улкан янгиланишлар, халқимиз, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги юксалиб, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани ҳам мустақиллик туфайлидир.



3-бет

ОРЗУИМ

жаҳон майдонларида Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиш

1994 йилда Қарши шаҳрида туғилганман. Биринчи мураббийим Станислав Иленко. Шу инсон қўл остида футбол билан шуғуллана бошлаганман.



Кейинчалик «Машъал» академиясида таҳсилни давом эттирдим. Жамоамиз билан республикамиз микросида ўтказилган турли мусобақаларда қатнашдик. Ушанда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг мураббийлари Алексей Евстафеев ва Аҳмаджон Мусаевларнинг назарига тушдим.

2010 йилда Тошкентда бўлган Осиё чемпионатида иккинчи ўринни олдик. Натижада Мексикада ўтказилган жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритдик. Бу нафақат биз учун, балки мамлакатимиз ҳаётида, футболда катта воқеага айланди.

Жаҳон чемпионатида мураб-

бийларимизнинг кўрсатмаси натижасида кучли рақибларни бирин-кетин мағлуб этиб, чорак финалгача етиб бордик. Айниқса, нимчорак финалда Австралия устидан 4:0 ҳисобида қозонган галабамиз руҳимизни кўтариб юборганди.

Жаҳон чемпионатидан сўнг Президентимиз фармойишига асосан рағбатлантирилдик. «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони билан биринчи бўлиб биз ёш футболчилар тақдирландик. Юртимизда ишлаб чиқарилган, барча қўлайликларга эга бўлган «Spark» автомашинаси билан мукофотландик.

Ўтган йили кузда бўлиб ўтган

ёшлар ўртасида Осиё чемпионатининг саралаш баҳсларида қатнашиб, финал босқичига йўлланмани қўлга киритдик. Эндиликда чемпионатга қизғин ҳозирлик кўряпмиз.

Ҳозирда «Машъал» таркибида ёшлар лигасида майдонга тушялман. Жамоамизнинг асосий дарвозабони Санжар Қувватовдан кўп нарсаларни ўргандим. Келажакда миллий терма жамоа сафида майдонга тушишни, жаҳон майдонларида Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишни орзу қиламан.

Ҳазирда «Машъал» таркибида ёшлар лигасида майдонга тушялман. Жамоамизнинг асосий дарвозабони Санжар Қувватовдан кўп нарсаларни ўргандим. Келажакда миллий терма жамоа сафида майдонга тушишни, жаҳон майдонларида Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишни орзу қиламан.

Ҳазирда «Машъал» таркибида ёшлар лигасида майдонга тушялман. Жамоамизнинг асосий дарвозабони Санжар Қувватовдан кўп нарсаларни ўргандим. Келажакда миллий терма жамоа сафида майдонга тушишни, жаҳон майдонларида Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишни орзу қиламан.

O'zbekiston ovozi Shu aziz VATAN — barchamizniki! +32°C

Bosh sahifa Tahririyat Ruknlar Taklif va mulohazalar Axborot Olovlar Buzgun 20

2012 YIL MASTAKAM OILA YILI

Sud ijrochisi — xavfli kasb...mi?

«O'zbekiston ovozi» saytida ўqing

Хуқуқий тарғибот:

СУД ИЖРОЧИСИ — ХАВФЛИ КАСБ...МИ?

www.uzbekistonovozi.uz

Бугунги сонда

Партияларо баҳс

● БУГУНГИ ДАВР СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРДАН УЙҒОҚ БЎЛИШНИ хатолардан тўғри хулоса чиқариб, ўз дастурий мақсадларига эришиш йўлида кўпроқ амалий ишлар билан шуғулланишни талаб этмоқда. «Адолат»чилар мана шу оддий ҳақиқатни англаб етмаётган кўринади

2-бет

Миллий валюта

● ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

3-бет

ҚОНУНЛАРНИНГ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ

Парламентда

мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлиги ва рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилидир

Сайфиддин ҒОҒУРОВ, Давлат мулк кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари:

— Риэлторлик фаолияти бу — мамлакатимиздаги юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига ҳамда уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатиш бўйича тadbirkorлик фаолияти бўлиб, 4 та қонуности ҳужжати бу борадаги муносабатларни тартибга солиди.

Айни пайтда 746 нафар жисмоний шахс риэлтор малака сертификатлари ҳамда 110 нафар юридик ва 10 нафар жисмоний шахс риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияларга эга. Тошкент шаҳрида 359 нафар жисмоний шахсга малака сертификати ва 71 нафар юридик, 4 нафар жисмоний шахсга лицензия берилган.

Хозирда Тошкент шаҳрида 75 та, Самарқанд шаҳрида 11 та, Тошкент вилоятида 2 та, Жиззах, Сурхондарё ва Навоий вилоятларида 1 та ри-

(Давоми. Боши 1-бетда.)



элторлик ташкилоти фаолият юритмоқда. Улар асосан кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларга оид битимлар тузишда воситачилик қилиш, кўчмас мулк бозоридида ахборот ва маслаҳат хизматларини амалга ошириш билан шуғулланади.

Мастураҳон САЙФИДИНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун ижросини таъминлаш бўлишида Давлат мулк кўмитаси ва унинг вилоятларидаги ҳудудий бошқармалари, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари ҳамда бошқа му-

дан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, Қонун талабларини ҳаётга тўлиқ ва самарали татбиқ этиш борасида йўл кўйилаётган хато ва камчиликлар ҳам мавжудлигини инкор этиб бўлмайди.

Хусусан, кўмита ишчи гуруҳи йиғилишида бу камчиликларни бартараф этишга қаратилган бир қатор амалий тақриф ва тавсиялар билдирилди. Жумладан, малака сертификатини олиш учун мурожаат қилган жисмоний шахсларни ўқитиш учун ишлаб чиқилган ўқув дастурларни такомиллаштириш, риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тартиби, қонунбузарликка йўл қўйилишининг олдини олиш чораларини кучайтириш, норасмий риэлторлар томонидан кўчмас мулк савдоси би-

томонидан риэлторга малака сертификатини бериш тартиби бўйича амалга оширилган ишлар урганилганда, ўтган ва жорий йил ҳолатига сертификат олиш учун ўқув марказида ўқитилган 2120 нафар жисмоний шахсдан 907 нафари имтиҳондан ўта ол-

ган боғлиқ эълонларни беришга чек қўйиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, Қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омилларидан экани ҳисобга олиниб, бу борадаги қонун ҳамда қонуности ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар алмашилди.

гани ва 472 нафари умуман имтиҳонга келмагани маълум бўлди.

Давлат мулк кўмитаси томонидан Учтепа туманида жойлашган «Кўчма Оқтепа» ҳудудидида кўчмас мулк савдолари билан шуғулланаётган жисмоний шахслар фаолияти юзасидан Қонун ижроси бўйича тушунтириш ва таҳлил ишлари олиб борилган. Мазкур фаолият билан ноконуний шуғулланаётган шахслар фаолиятига чек қўйиш мақсадида жорий йилда 600 та назорат тadbirkorлиги ўтказилиб, 45 нафар жисмоний шахс давлат рўйхатидан ўтмагани аниқланди. Шунингдек, риэлторлик ташкилотлари томонидан бюртмачиларни зарур ахборотлар билан таъминлаш борасида қатор камчиликлар борлиги маълум бўлди...

Гулруҳ ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

депутатлар ва партия фаолларининг кундалик ишига айланishi лозим

Иштихон туманида ЎзХДП катта куч ва имкониятга эга. Туман кенгашида партиянинг 13 нафар депутати бор. Ҳўш, улар туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида қандай иштирок этаёпти? Туман партия кенгаши раиси, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати **ЛОЛА БУЛАКОВА** билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг самарали воситаси — бу янги иш ўринлари яратиш. Партияимизнинг Харакат дастурида туман партия кенгаши зиммасига бу борада аниқ вазифалар юклаган. Аввало, уларнинг ижроси ҳақида тўхталсангиз?

— Туман партия ташкилоти ва депутатлик гуруҳи янги иш жойларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида олиб борил-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ётган ишларни ўрганиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Депутатлик гуруҳи йиғилишларида бу масала 3 мартаба муҳокама этилди. Унда янги иш ўринлари яратишга кўмаклашиш, шунингдек, коллеж битирувчиларини шартнома асосида тўлиқ ишга жойлаштириш борасидаги камчиликларни ечиш учун биз нима қилишимиз лозимлиги белгилаб олинди. Хар бир депутатга ўз сайлов округи бўйича аниқ вазифа юкланди ва шу асосда депутатлик назорати олиб борилди.

Бироқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган ишлар талаб даражасида, дейиш қийин. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, 2010-2011 ўқув йилида тумандаги 9 та касб-хунар коллежини 3512 нафар ёшлар битирган. Уларнинг 3165 нафари ишга жойлашган. Ишчи гуруҳи олиб борган мониторинг шуни кўрсатдики, меҳнатга жалб этилган деб, маълумот берилган 860 нафар битирувчидан 20 нафари аслида ишсиз экан. Бу айрим қорхона ва ташкилотлар

хамон ёшларни иш билан таъминлаш масаласига бефарқ қараётганини кўрсатди. Депутатлик гуруҳи мазкур камчиликларни аниқлаб, уларни ечишга қаратилган тақриф ишлаб чиқди ва у сессияда муҳокама этилди. Айни чоғда сессия қарори қатъий назорат олинган.

— Бугун даврнинг ўзи депутатлар олдида катта талаблар қўймоқда. Уларни изчил бажаришда бошлангич ташкилотлар ва депутатлик гуруҳларининг ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга. Кишиларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича тақриф тайёрлашда қуйи ташкилотлар билан қандай ишлар олиб борилаяпти?

— Электорат манфаатларини ҳимоя этиш, одамлар орасига кириб бориш, улар билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлиш сиёсий партия ва депутатнинг асосий вазифаси. Қачонки, аҳоли партияга ишонса, унинг хайрихоҳлари сони ортади. Худудларда кўзга

ташланган маълум бир камчилик депутат ёрдамида ҳал этилса, бу билан кишиларнинг партияга бўлган ишончи янада мустаҳкамланади. Бу эса бевосита бошлангич партия ташкилотлари фаолиятига боғлиқ. Чунки улар жойларда юзага келаятган муаммолардан кўпроқ хабардор бўлади. Шу боис, худудлар ривожига хизмат қиладиган ташаббуслар билан чиқишда қуйи бўғинлар билан мунтазам ҳамкорлик қиламиз.

Туман партия кенгашига 27 та бошлангич ташкилот бирлашган. Бевосита уларнинг кўмаги орқали биз депутатлар жойларда учрайдиган муаммолардан хабардор бўламиз. Мунтазам ташкилотларга депутатлик сўровлари киритилади. Шунингдек, партияимизнинг Харакат дастури ижросини таъминлашда ҳам қуйи бўғинлар ишимизга қувват бераёпти. Мисол учун, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилган мониторингга ишчи гуруҳи аъзолари таркибига БПТ етакчиларини жалб этдик. Натижанда яратилган иш жойлари билан тўлиқ таъминлаш ва ҳаққоний маълумот олиш имкони кенгайди.

Бундан ташқари, маълум бир масала муҳокамасига бағишланган гуруҳ йиғилишида ҳам қуйи бўғиндан вакилларни тақриф қиламиз. Уларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилади. Бу эса тақрифларнинг ҳар жиҳатдан пухта тайёрлинишига хизмат қилади.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ

ойла ва жамият мустаҳкам бўлишига хизмат қилади

ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан «Хотин-қизларнинг демократик жамиятдаги ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда маҳаллий кенгаш депутатлари, қанот фаоллари, маҳалла маслаҳатчилари ва хотин-қизлар иштирок этди.

Тadbirkor демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида аҳолининг, айникса, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланди. Давра суҳбатида «Фаол аёллар» қаноти уйда бола тарбияси билан банд бўлган аёлларни

ойлавий тadbirkorлик ва касаланикка жалб этиши, уларга бу борада ҳуқуқий йўл-йўриқ ва маслаҳат бериши, бу соҳаларда яратилган имтиёз ҳамда афзалликлардан хабардор қилиши, тadbirkorликнинг кўпроқ чекка худудларда ўтказиши лозимлигига эътибор қаратилди.

Шоира НАРҚУЛОВА

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Навоий шаҳар партия кенгаши ташаббуси билан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Унда 72 та қорхона ва ташкилот 287 та иш ўрни билан қатнашди. Иштирокчилар ўзлари учун меҳнат ва дам олиш шaroитлари, иш ҳақлари, қўшимча имтиёзлар тўғрисидаги реклама кўргазмалари ва бошқа зарур маълумотлар билан танишишди. Ярмаркада иш билан банд бўлмаган 197 нафар фуқаронинг 106 нафари ишга жойлашиш учун йўлланма олди. Уларнинг 47 нафарини хотин-қизлар, 53 нафарини ёшлар ташкил этди. Меҳнат ярмаркасига келган фуқаролар меҳнат қонунчилиги бўйича ўзларини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб олишди.

ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати

МУСТАҲКАМ ОИЛАЛАР САФИНИ КЕНГАЙТИРИШ

ҳар биримизнинг вазифамиз

ЎзХДП Жарқўрғон туман кенгаши «Ёш оилалар манфаатларини ҳимоя қилишда Жамоатчилик қабулхоналарининг ўрни» мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари, «Қамолот» ЁИХ ходимлари ҳамда партия электорати вакиллари иштирок этди.

Тadbirkor давра суҳбатида партия ташкилотлари олдига турган устувор вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтишди. Хусусан, ёш оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустаҳкам оёққа туриб олишида яқиндан қўмаклашиш лозимлиги таъкидланди.

— Йил бошида ҳар бир депутат жорий йилдаги вазифалари бўйича режа ишлаб чиққан эди, — деди вилоят кенгаши депутати Алишер Маматмуродов. — Шундан келиб чиқиб, жойларда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга оид қонуний меъёрлар ва бошқа қарорлар ижросини тизимли мониторинг қилиб бораёмиз. Бу, ўз навбатида, оилалар муаммосини ўрганишда кўл келаяпти. Муҳими, шу асосда одамларни қийнаётган муаммолар ҳал этиб, қўлимиздан келганча

уларга кўмак бераёмиз. Бироқ, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида ишларимиз таватлаш, уларнинг мустаҳкам давра суҳбатида билдирилган фикрлар, тақриф ва тавсиялар бу борадаги фаолиятимизни янада кучайтиришда кўл келадди.

Давра суҳбатида ўтган давр мобайнида Жамоатчилик қабулхонасига ёш оилалардан тушган мурожаатлар таҳлил қилинди. Оила куриш арафасида турган ёшлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда депутатлар, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари эътиборини кучайтириш зарурлиги таъкидланди ва иккинчи ярим йилликдаги вазифалар белгилаб олинди.

Авазбек ОМОНОВ

БУГУНГИ ДАВР СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРДАН УЙҒОҚ БЎЛИШНИ

хатолардан тўғри хулоса чиқариб, ўз дастурий мақсадларига эришиш йўлида кўпроқ амалий ишлар билан шуғулланишни талаб этмоқда. «Адолат»чилар мана шу оддий ҳақиқатни англаб етмаётган кўринади

Мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида амалга оширилаётган, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги мавқеи ва иштирокини кенгайтиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг бугунги босқичида сиёсий партиялар зиммасига ҳар қачонгидан кўпроқ масъулият юкланмоқда.

Бу борада сўз кетганда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ҳамда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да партияларни ислохотлар жараёнида таъсирчан кучга айлантиришга қаратилган ҳош-аҳво эътибор қаратиш керак бўлади.

Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга қаратилган бу эзгу мақсадларнинг рўёбга чиқиши кўп жиҳатдан сиёсий партияларнинг фаоллигига боғлиқ. Сиёсий партия фақат

гояларни илгари суриш ёки ҳуқуқат қарорларини қўллаб-қувватлаш билан чекланмаслиги, балки амалий ишлар орқали сайловчилар ва электорат ишончини қозониши, марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнига фаол таъсир кўрсатиши лозим.

Айтиш керакки, кейинги пайтларда партиялараро соғлом рақобат тобора шаклланиб бораётган, ижтимоий-сиёсий наشرларда шу мавзуда эълон қилинаётган мақолалар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилаяпти. Бу сиёсий партия ва депутатлик гуруҳлари ўз ишига янада масъулият билан ёндашиб, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, киши-

ларни ўйлантираётган масалаларга ижобий ечим топиш, электорат манфаати ва худудлар тараққиёти билан боғлиқ муаммоларга ижро ҳокимияти диққатини қаратишга астойдил ҳаракат қилаётганидан дарак беради.

Бироқ бу — барча мақолалар ҳолислик билан ёзилаёпти, яъни, уларда асосли фикрлар айтилаяпти, баҳс маданиятига тўлиқ риоя қилинаяпти, деб бўлмайди. Баъзи сиёсий партия наشرлари рақобатчи партия фаолиятининг салбий ва ижобий томонлари, ютуқ ва камчиликларини муайян нуқтаи-назардан таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш ўрнига, кўпроқ танқидчилик билан шуғулланаётганидан, қора пиар технологияларидан фойдаланиб, ёлғон маълумот асосида жамоатчиликни чалғитиб, кишиларда нотўғри тушунча ва тасаввур уйғотаётганидан, афсуски, кўз юмоалмаймиз.

Сўнгги вақтларда «Адолат» газетасида чоп этилаётган танқидий материаллар бизни шундай хулоса чиқаришга ундайди. Мисол сифатида «Элпан иш, эп-ламаган гап топар экан-да» сар-

лавхали мақолани олиб кўрайлик. Унда ЎзХДП Жомбой туман кенгаши ва партияимиздан сайланган депутатлар фаолияти танқид қилинган. Бироқ у ерда билдирилган даъволарни конструктив рақобат тамойилларига тўғри келадди, дейиш қийин. Аксинча, мақолада ҳақиқатдан йироқ ва сиёсий партиялар оз-тури ҳамда қарашларидан оз бўлса-да, хабардор одамларни таажубга соладиган жумлаларга кенг ўрин берилган.

Мақолада туман кенгаши ЎзХДПнинг электорат манфаатига хизмат қиладиган, уларни таъминлашга солаётган муаммоларни бартараф этишнинг сигналдан ва бошқа партия таърибасида уч-рамайдиган институти — Жамоатчилик қабулхонаси фаолиятига беэътибор қараётгани ва фуқароларнинг мурожаати ўрганилмаётгани таъкидланди.

Аммо 2011 йил давомидида Жамоатчилик қабулхонасига 37, жорий йилнинг шу даврига қадар эса 12 нафар фуқаро мурожаат қилгани, улар кўтарган муаммоларнинг 75-80 фоизи ижобий ечим топгани хусусида лом-мий дейилмайди.

Бундан ташқари, мақолада ХДПнинг 11 нафар депутати «2012 йилнинг беш ойи мобайнида бор-йўғи 2 та депутатлик сўрови» киритган, деб таъна қилинади. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик сўрови раҳбари Эшпўлат Тўйчибоев билан суҳбатлашганда бу маълумот уйдирма экани ойдинлашди.

Маълум бўлишича, 2012 йилда партияимизнинг депутатлик гуруҳи жами етти марта турли ташкилот ва идораларга депутатлик сўрови билан чиққан. Биргина унинг ўзи туман кишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими, туман сувдан фойдаланиш уюшмаси ҳамда чекка худудлардаги аҳоли мурожаатига асосан коммунал тўловларни тартибга солиш бўйича туман газ ва электр таъминоти бўлимига 3 та депутатлик сўрови юборган. Бу масала жорий йил бошида бўлиб ўтган туман Кенгаши сессиясида ҳам муҳокама қилинган.

Шунингдек, ЎзХДП депутатлик гуруҳи инвестиция киритиш орқали янги иш ўринлари яратиш масаласини туман Кенгаши доимий комиссиясига олиб чиқ-

қан. Бунинг натижасида 450 нафардан зиёд аҳоли, жумладан, касб-хунар коллеж битирувчилари доимий иш билан таъминланган. Аммо, мақолада бу маълумотлар акс этмаган. Қани бу ерда, холислик?

Яна бир фикр. Мақолада тумандаги истиқболли вазифалар ҳақида сўз юритилиб, «фермер хўжаликлари тузиш ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлашда жиддий муаммолар кўзга ташланаётгани, фермерларнинг имтиёзли кредитга бўлган эҳтиёжи ҳал этилмаётгани» айтилади.

Ўйлаб кўрайлик, бу гаплар бевосита ЎзХДПга нечоғлик дахлдор? Агар шундай муаммолар юзга келаятган бўлса, уларни бартараф этиш аввало, тadbirkor корлар, ишбилармонлар ва фермерлар манфаатини ифода этувчи ЎзЛиДеПнинг устувор вазифаси экани барчага яхши маълум-ку! Кишиларни чалғитишга хизмат қилувчи бу каби даъволар билан «Адолат»чилар нимага эришмоқчи?

Тўғри, ХДП фаоллари ва депутатларнинг электорат вакиллари — кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, жисмоний имконияти чекланган кишилар, бир сўз билан айтганда, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги вазифаларини ижро этишдаги интилишлари талаб даражасида, дейишдан йироқмиз. Аммо, ўз навбатида, туманда партия дастуридан келиб чи-

қиб амалга оширилаётган ишлар мутлақо инкор этилиши билан ҳам келиша олмаймиз.

Назаримизда, «адолат»чилар аввало, ушбу туманда Ўз партияси фаолиятини таҳлил этиб, тўғри хулоса чиқариб оلسа, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, туманда бу партиянинг на бир амалий иши бор, на ташаббуси...

...Мамлакатимизда амалга оширилаётган кен қўламли ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқариш, ўз электорати манфаат ва эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда, жамият ва давлат қурилиши жараёнида фаол иштирок этишни ўз олдида асосий вазифа қилиб қўйган «Адолат» СДПнинг туман кенгаши фаоллари ва партиядан сайланган 1 нафар депутат бу борада сўкут сақлашни маъқул кўрмоқда.

Бугунги давр сиёсий партиялардан уйғоқ бўлиши, хатолардан тўғри хулоса чиқариб, ўз дастурий мақсадларига эришиш йўлида фақат олға интилишни талаб этмоқда. Зеро, бу — мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш борасидаги ислохотлар муваффақиятли амалга оширишда муҳим омили ҳисобланади. «Адолат»чилар асоссиз танқид ўрнига соғлом ва амалий баҳс олиб борса, нафақат сайловчи ва электоратга наф тегади, айни пайтда жамият ривожига ҳам муносиб хисса қўшган бўлади.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ДАВЛАТИМИЗНИНГ МУҚАДДАС РАМЗИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинганига йигирма йил тўлди

Истиқлолга эришган, мамлакатимизнинг давлат рамзларига эга бўлди. Бугун жаҳонда тенг ҳуқуқли давлат бўлган мустақил Ўзбекистон ўз байроғи, герби, мадҳияси ва валютасига эга. Зеро, эл-юртимизнинг гурури, ифтихори бўлган бу рамзларда тарихимиз, бой маънавий-маданий меросимиз, миллий урф-одат ҳамда анъаналаримиз, буюк мақсад, эзгу орзу-интилишларимиз ўз ифодасини топган.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1992 йил 2 июлда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги тарихий қонун қабул қилинди.

Герб қадим-қадимдан муайян мамлакат ёхуд худудда яшайдиган турли миллат ва элатларнинг ўтмиши, орзу-интилишлари, тафаккур тарзи, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда амал қилиб яшайдиган ғоялари, ўзига хос табиий ва ҳўжалик хусусиятларини ифода этиб келган. Давлат ишларини юритиш ҳамда халқро муносабатларни амалга оширишда қўлланиладиган муҳрларга, пулларга герб тасвири туширилган.

Давлатимиз гербида халқимизнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз аксини

ни топган. Унда тасвирланган гулланган водий узра нур сочаётган офтоб серкўш юртимизга, ундаги обод манзилларга ишора. Баланд тоғлар оралаб оқаётган дарёлар — ҳаёт боқийлиги тимсоли бўлса, гербнинг сўл томонидаги буғдой бошоқлари халқимизнинг ризқ-рўзи бутунлигидан, ўнг томонидаги қийфос очилган ғўза ифодаланган чамбар халқимизнинг оппоқ орзулари, эзгу ниятларидан далолатдир. Гербнинг юқори қисмида элу юртимиз жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган.

Гербимиз марказида бахт ва олижаноблик тимсоли бўлган афсонавий Хумо куши қанотларини ёзиб, парвозга шайланиб турибди. Бу халқимизга хос эзгу орзу-умидлар ифодасидир. Зеро, элимиз Хумони азал-азалдан бахт куши сифатида тасаввур этиб келган.

Гербимиздаги ушбу рамз ва тимсоллар халқимизнинг тинчлик, эзулик, бахт-саодат, тўқинлик, фаровонлик каби орзу-умидларини ўзида намоян этади. Гербнинг пастки қисмидаги Давлатимиз байроғини ифodalovчи чамбар бандига зарҳал барфлар билан «Ўзбекистон» сўзи битилган.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги қонунда белги-

ланганидек, Давлат герби Ўзбекистон Республикаси Президенти дево-ни, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, ҳокимликлар, кўмиталар, ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари бинолари, чет эллардаги мамлакатимиз дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг пештоқида ўрнатилган. Республика-миз давлат чегараларида барпо этилган улкан дарвозалардаги Давлат герби барчамизга гурур-ифтихор бағишлайди. Ватан оstonасидаги давлатимиз рамзини кўриб, беихтиёр қалбимиз антикади, муқаддас заминимизга бўлган меҳр-муҳаббатимиз янада ошади.

Давлат герби тасвири ҳар биримизнинг мана шу саховатли замин фарзанди, ушбу озод юрт фуқароси эканлигини тасдиқловчи фуқаролик паспортида ҳам акс эттирилган.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги қонунда мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда истиқомат қиладиган барча шахслар давлатимиз гербининг ҳурмат қилишлари шарт экани белгилаб қўйилган.

Давлат рамзлари муқаддасдир. 2010 йил 24 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим

қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунга мувофиқ, давлатимиз рамзларидан фойдаланиш қоидалари янада такомиллаштирилди.

Унга қўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реқвизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербига ўхшаш бўлиши мумкин эмас.

Ҳа, мустақил Ватанимизнинг Давлат герби улкан ғоявий-тарбиявий аҳамиятга молик тимсол сифатида барчамиз учун қадрли ва муқаддасдир. Уни ҳар сафар кўрганимизда шундай бетакрор, ҳеч қимдан кам бўлмаган кудратли мамлакатда яшаётганимиздан фахр-ифтихор туйғуларини ҳис этамиш.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎА шарҳловчиси.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

1 июль — Миллий валютаимиз — сўм муомаллага киритилган кун

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1994 йил 16 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомаллага киритиш тўғрисида»ги фармониға мувофиқ 1994 йил 1 июлда мустақил мамлакатимиз асосий белгиларидан бири ва муҳим ривожланиш омилли бўлган миллий валюта — сўм муомаллага киритилди.

Сўмнинг муомаллага киритилиши ҳақиқатан ҳам тарихий қадам бўлиб, мамлакатимиз солномасида муҳим ҳодисалар қаторида туради.

Мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз ҳақида сўз борар экан, аввало, Президентимиз Ислам Каримов томонидан ҳар томонлама чўқур ўйланган, жаҳон тажрибаси ва мамлакатимизнинг ички имкониятларини инобатга олган ҳолда амалга оширилган оқилона иқтисодий сиёсат тўғрисида иқтисодиётимизнинг изчил ривожланиши, экспорт салоҳиятининг юксалиб бораётганини, макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзaro мутасоиблиги, инфляциянинг жиловланганлиги, аҳоли фаровонлигининг юксалаётгани билан бир қаторда миллий валютимизнинг барқарорлашиб бораётганини ҳам фахр билан тилга оламиз.

Зеро, миллий валютаимизнинг мустақамлиги мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиб бораётганини ва молия-банк тизимининг ҳолатига чамбарчас боғлиқдир. Ислохотларни босқич-ма-босқич амалга ошириш жараёнида мамлакатимиз банк-молия тизимида етарли ресурс базаси ва ишончли заҳира яратилди. Энг муҳими, иқтисодиётимизнинг спекулятив капитал, жаҳон молия ва фонд бозорларидаги бошқариб бўлмайдиган жараёнлар таъсиринан химоялаб бўйича зарур чоралар кўрилди.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли нақадар тўғри ва мустақам эканлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг шарафига яна бир бор ўзини тўла-тўқис оқлади.

Қўлбал тараққиёт этган мамлакатларда иқтисодий танглик, хусусан, давлат қарзлари ва

давлат бюджети тақчиллиги, ишсизлик ва банк-молия тизимидagi беқарорлик тобора кучайиб, иқтисодий ўсиш сурьатлари пасайган, рецессияга юз тутган бир шароитда, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда 8,5 фоиз, 2011 йилда эса 8,3 фоизга ўсди.

2011 йилнинг охирида мамлакатимизга таширф буорган Халқаро валюта фонди миссиясининг расмий баёнотида сўнги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш сурьатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этганини ва бу Марказий Осмёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичларидан юқори эканлиги яна бир бор таъкидланди. Шунингдек, мазкур баёнотда қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг пастлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқироз оқибатларидан химоя қилганлиги қайд этилган.

Бундан ташқари, жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг халқаро рейтинг кўрсаткичлари кескин пасайиб бораётган бир пайтда «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги томонидан

Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболлари «барқарор» баҳода тасдиқланиб келиниши мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти халқаро экспертлар томонидан тан олинганлигининг далилидир. Банкаримиз капиталининг етарлилик даражаси 24 фоиздан ошгани ва бу банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўп эканлиги эътиборга сазовор.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сўнги йилларда мамлакатимиз молия-банк тизимининг барқарорлиги таъминланган ҳолда унинг юқори сурьатларда ривожланиши кузатиш мумкин. Жумладан, сўнги беш йилда жисмоний ва юридик шахсларнинг банклардаги депозитлари 3,7 баробар, шундан аҳоли омонатлари 5 баробарга ошганлиги миллий валютимиз ва банк тизимига бўлган ишончнинг йил сайин ўсиб бораётганини исботидир.

Миллий валютимиз нафақат мамлакатимиз иқтисодий кудратининг, балки халқимиз маънавий салоҳиятининг ҳам ўзига хос кўзгусидир. Зеро, унда юртимизнинг бой тарихи ва буюк келажаги ўз аксини топган.

Ўзбек сўмини қўлга олган

кишининг қадим Самарқанддаги Регистон майдои, Тиллакор, Шердор мадрасалари, Гўри Амир мақбараси каби тарихий обидалар, Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий нолиридаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри, «Истиқлол» санъат саройи, Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг улугвор ҳайкали тасвирларига қўзи тушади.

Буларнинг барчаси халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод шуурида миллий гурур туйғуларини шакллантириш, уларнинг миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз мустақиллигини бири-бирининг рамзларидан бири бўлган миллий валютимиз мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон учун ифтихор тимсолидир.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, иқтисодиётимиз мустақам бўлгандагина миллий валютимиз кучли бўлади. Юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар самараларини, Ўзбекистоннинг бутун дунёда эътироф этилаётган барқарор иқтисодий юксалиши миллий валютимиз кудратининг ҳам ёрқин тасдиғидир.

ЎА

Танлов

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ ЖУРНАЛИСТИ»

25 июнь кунини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида ушбу номдаги республика танловининг ўтказилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбир давомида Ҳаракат муассислигидаги «Туркистон» ва «Молодёжь Узбекистана» газеталари негизда ташкил этилган «Етакчи» илова нашрининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди. — «Мустақам оила йили» Давлат дастурига мувофиқ «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, ЎзЭОАВМА, Ўзбекистон бадий академияси билан ҳамкорликда «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» республика танловини

ўтказди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Мухамеджанова. — Ушбу танловдан кузланган мақсад сўз ва фикр эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳасида маҳорат билан қалам тебратётган ёш журналистларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдир. Танлов фолиблари «Энг яхши мақола», «Энг яхши фотоасар», «Энг яхши телекўрсатув», «Энг яхши радиоэшиттириш», «Энг яхши интернет мақола» номинациялари бўйича тақдирланади. **Нозима МУЯССАРОВА**

Анжуман

Мамлакатимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан турли давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар ўтказиш анъанага айланган. Шундай тадбирлардан бири Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде бўлиб ўтди.

ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, қатор вазирлик ва идоралар матбуот хизматлари, Журналистлар ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий уюшмаси масъул ходимлари, ЎЗМУ профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди. — Кейинги йилларда мамлакатимизда журналистика соҳасини янада ривожлантиришга, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қўллаб-қонунлар, Президент қарор ва фармонлари қабул қилинди, — дейди **ЎЗМУ ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Гофуржон Мухамедов**. — Шуни ҳам айтиш жоизки, журналистика соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, журналистика факультети ўқув-методик базасини мустақамлаш, талабаларга ижодий маҳорат сирларини ўргатишда ОАВ тахририятлари билан ўрнатилган яқин алоқалар муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов мамлакатимизда ОАВ ва журналистларга кўрсатилаётган эътибор ҳақида тўхталди.

— Мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичида, дунёда геосиёсий манфаатлар тўқнашуви, ахборот хуружи авж олаётган бир шароитда ОАВ зиммасига ҳар қачонгидан ҳам катта вазифа ва масъу-

лият юкланмоқда, — деди «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов. — Бу вазифалар Президент томонидан илгари сурилган Концепцияда аниқ белгилаб берилган. Мамлакатимизда демократик ислохотларини янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда, бошқача айтганда, мамлакат тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги вазифаларни ОАВ иштирокисиз амалга ошириб бўлмайди. Бу эса журналистлардан чўқур билим, катта маҳорат ва масъулият талаб этади.

ОАВ воситалари олдада турган долзарб вазифалар ҳақида гап кетганда, Президентимизнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маросимда журналистларга берган интервьюсида ҳам тегишли ҳулосалар чиқариб олмоғимиз керак. Бугун ОАВ ходимларидан дунёга кенгрок қараб, содир бўлаётган вужа-ҳодисалар сабаблари ва келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларини халқимизга ўз вақтида тушунтириб беришимиз талаб этилади.

Анжуман сўнггида тахририят ва ахборот хизматларида талабалар учун «Маҳорат мактаби»ни намунали йўлга қўяётган тахририятлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Нурани УЛУҒОВ

КЕЛГУСИ ЙИЛНИНГ ОХИРИГА БОРИБ

5 минг иш ўрни қисқартирилади

Дунё бўйлаб давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз ишлаб чиқариш соҳаларига ҳануз ўз таъсирини ўтказиб турибди. Бу инқирозни енгиб ўтишга қурби етмаган ташкилот ва корхоналар иш ўринларини қисқартирмоқда.



Франциянинг «Air France» авиакомпанияси ҳам инқироз таъсирини «кесиш», иқтисодий зарарлар салмоғини камайтириш учун иш ўринларини қисқартиришга қарор қилди. Авиакомпания маъмурияти маълум қилишича, 2013 йил охирига бориб 10 фоиз ходим — 5 мингдан ортиқ ишчи ишдан бўшатилади. Мақсад «Air France» харажатларини камайтириш ва даромадини оширишдан иборат.

Айни пайтда компания авиация ёнилғисини нархининг ошиб бораётгани, мамлакат бозориде рақобат кучаяётганидан молиявий зарар кўрмоқда.

ЯНГИ ВАКЦИНА

«Т» лимфоцитлар таркибини камайтиради



Замонавий фан ютуқлари касалликларга қарши курашининг энг осон ва мақбул йўли мавжуд касалликларга қарши вакцина яратиш ва энгил чораларини қўллаш эканлигини тасдиқлади. Шу босқич ҳам дунё олимлари касалликларга қарши вакцина яратиш йўлида қизгин изланишлар олиб бормоқда.

ИТАР-ТАСС хабар беришича, америкалик олимлар кўкрак бези саратони касаллигининг энг оғир турига қарши янги вакцина ишлаб чиқдилар.

Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, ушбу касалликка чалинган беморларнинг кўкрак қисмида ривожланадиган зарарли ўсимта инсон танаси бўйлаб жуда тез тарқалади. Мазкур вакцина эса қондаги «Т» лимфоцитлар таркибини камайтириб, ўсимтанинг ривожланишига йўл қўймайди.

Сичқонларда ўтказилган тажриба ижодий натижа берди. Шифокорлар мазкур вакцинадан нафақат саратон касаллигининг ривожланиш босқичларида, балки касалликнинг олдини олишда ҳам фойдаланиш мумкинлигини таъкидлашмоқда.

ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

Бунинг учун миллиардлар сарфланмоқда

Ўзга сайёраларда ҳаёт бор ёки йўқлигини аниқлашга бўлган қизиқишнинг ортиги бугун ҳар қандай сарф-харажатларни-да писанд этмапти. Негаки, билмаганини билишга интилиш бугунги замон кишига хос фазилат.



Демокчи бўлганимиз шуки, европалик астрономлар Чилининг Атакама саҳросида дунёдаги энг катта телескопни барпо этиш юзасидан тайёрланаётган лойиҳани якунига етказдилар. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун камиде 1 миллиард евро миқдориде маблағ сарфланиши кутилмоқда.

Соҳа мутахассисларининг сўзларига қараганда, мазкур телескоп фазонинг инсоният томонидан ҳали аниқланмаган сирларини тадқиқ этиш, узоқ масофадаги сайёралар ва «қора тўйнуқлар»ни ўрганиш, галактикаларнинг пайдо бўлиш тарихини янада яхшироқ аниқлаш имконини беради.

Янги технология асосида яратилажак телескоп асосий кўзгусининг айланаси 42 метрга тенг бўлади.

ЖИНОЯТЧИЛИК ДАРАЖАСИ

ортиб бормоқда



Нью-Йорк шаҳрида кейинги 18 йилда илк бор жиноятчилик даражаси ортганлиги қайд этилди, 2011 йилга нисбатан эса 4,2 фоизга ошган ва бу шаҳар жамоатчилигини ташвишга солмоқда, дея хабар беради «New York Post» газетаси.

Жумладан, кўча ўғирликлари, аёлларни зўрлаш характеридаги ҳамда ўқ отар қуроллардан отиш каби жиноятлар анчагина кўпайган.

Вазиятнинг бундай тус олишига қўпгина омиллар сабаб бўлганлиги айтилмоқда. Масалан, кўчаларда полиция назоратининг сустлиги ва шубҳали кўринган кишилар тўхтабди текширилмаслиги асосий сабаблар қилиб кўрсатилмоқда. Шунингдек, полиция томонидан жиноятчилик содир этилганлиги ҳақидаги ҳар бир қақирувнинг рўйхатга олиниши ҳам қайсидир маънода жиноятчилик даражаси ўсишини таъминлаган. Авваллари алоҳида қақирувларгина рўйхатга олинарди.

Реклама ва эълонлар

Ҳурматли юртдошлар!

«БОБУР ВА ЖАҲОН МАДАНИЯТИ» МУЗЕЙИ

ҳамюртимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар даврига оид ноёб китоблар, уй-рўзгор буюмлари, ҳарбий анжомлар сотиб олади.

Манзил: Андижон шаҳри, Бобур миллий истироҳат боғи, Бобур халқаро жамоат фонди маъмурияти.

Тел: (8374) 225-68-14, (8371) 241-27-98.

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги «ALLEYA-NET SERVIS» МЧЖ (ИНН 301642015) фаолияти.

ТУГАТИЛАДИ.

Давво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Мурожаат учун тел: (+99897) 156-48-91.

Жиззах вилояти, Фалларол туманидаги 22-ўрта мактаб томонидан 2009 йилда Азимов Жамшид Ғайбулло ўғлига берилган O'IR-SH № 0971451 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Куч — билим ва тафаккурда!

БАНК РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА КОМПЬЮТЕР ДАСТУРИ ЯРАТМОҚЧИМАН

дейди Тошкент молия институтини битирувчиси, Президент стипендианти Сардор АБДУЛЛАЕВ

У 1991 йил 25 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Мустақиллик тенгдоши. Бир неча хорижий тилларни мукамал билади. Банк, молия соҳасининг долзарб масалаларига бағишланган илмий мақолалари чоп этилган.

Германияда ички рейтинг тизимини ўрганиб чиқдим. Уларда банк мижозларини таснифларга бўлган ҳолда молиявий ҳолати таҳлил қилиб борилар экан. Айна шу икки давлат тажрибаси маълумотларидан фойдаландим.

— Банк рискларини бошқариш борасидаги тажрибалар ҳақида гапириб берсангиз?

— Банк рискларини бошқариш бўйича юртимизда кўплаб амалий ишлар олиб бориляпти. Бу борада Марказий банк томонидан қабул қилинган «Банк таваккалликларини бошқариш бўйича йўриқнома» асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Бу борада қабул қилинган қарорда ҳам кредит рискларини бошқариш бўйича хо-

— «Кредитлаш жараёнида рискларни бошқаришни хориж тажрибаси» деб номланган битирув малакавий ишида банк рисклари ичида энг катта ўрин тутадиган кредит рискларига асосий эътиборимни қаратдим, — дейди у. — Банклар ўртасида бўладиган жараён, яъни риск (таваккалчилик)ни ўргандим. Бунда энг асосий риск банк томонидан бирор-бир шахсга берилган кредитнинг қайтиб келмаслиги ҳи-

собрланади. Бу мавзуну танлашимдан асосий мақсад хориж тажрибасини ўрганган ҳолда уни Ўзбекистондаги ҳолат билан солиштириб, янгиликлар олиб кириш бўлди.

— Бу масала бўйича қайси мамлакатлар тажрибасини ўргандингиз?

— Илмий китоб ва интернетдан унумли фойдаланиб, АҚШда операцион рискларини бошқариш усулларини ўргандим. Бундан ташқари,

бу борада қабул қилинган қарорда ҳам кредит рискларини бошқариш бўйича хо-



риж тажрибасига асосланиб «скоринг» тизимини жорий этиш кўзда тутилган. Бу жуда ҳам тўғри қарор деб ўйлай-

ман. Нафақат республика банкларида, балки энг чека худудлардаги мини банкларда ҳам рискни бошқариш бўйича мутахассис ишлаши керак. Шунда бу борадаги муаммоларни бартараф этиш осон кечади.

Юқорида таъкидлаганимдек, Германияда ички рейтинг тизими мавжуд. Айна шу тажрибадан фойдаланиш мумкин. Яъни кредит олган мижознинг молиявий ҳолатини доимий кузатиб бориш керак. Чунки узоқ муддатга бериладиган кредитлар ҳам бор. Масалан, беш йилга. Кредит олган мижознинг аҳволи ёмонлашиб кетиши мумкин. Натжижада кредит қайтиб келмаслиги хавфи пайдо бўлади.

— Келажадаги мақсадларингиз?

— Энг аввало магистратура босқичида ўқишимни давом эттириб, банк рискларини бошқариш бўйича компьютер дастури яратмоқчиман.

«Ўзбекистон овози» мухбири Темураб АЪЗАМ суҳбатлашди.

Спорт

«БУНЁДКОР» яна ғалаба қозонди

Яна бир турдан сўнг футбол бўйича Ўзбекистон ХХІ миллий чемпионати олий лига жамоалари биринчи давра учрашувларини якунлашди. Куни кеча жамоалар ўн иккинчи тур ўйинларида майдонга тушдилар.

Турнинг марказий учрашуви Тошкентда «Бунёдкор» — «Пахтакор» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Ўзига хос пойтахт «дербиси» макomini олган ушбу баҳсда бунёдкорчилар рақибига нисбатан ҳар жиҳатдан устунликларини намоиш этишди. Гарчи, биринчи бўлимда дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолган бўлса-да, танаффусдан сўнг Шавкат Саломов ҳамда Ян Козак томонидан киритилган голлар мезбонларга муҳим ғалабани туҳфа қилди — 2:0.

Турнинг кутилмаган натижаси Бухорода қайд қилинди. Унда чемпионат аутсайтери — «Бухоро» футболчилари «Насаф» жамоасини енги — 1:0.

Қолган учрашувлар эса қуйдагича ниҳоясига етди: «Шўртан» — «Машъал» — 1:0, «Олмалик» — «Динамо» — 1:2, «Навбахор» — «Андижон» — 1:0, «Локомотив» — «Кизилқум» — 0:1, «Металлург» — «Нефтчи» — 1:1.

Шундай қилиб, ўн иккинчи турдан сўнг, бунёдкорчилар 27 очко билан чемпионат жадалида яқка пешқадам бўлиб туришибди. Иккинчи ўринда бораётган «Насаф» жамоасида 22, пахтакорчилар ҳисобида эса 21 очко мавжуд.



Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ

малака оширишди

Яқинда ИИБ Академиясида 600 нафардан ортик профилактика инспектори малака оширди ва уларга тантанали равишда сертификатлар топширилди.

Машгулотлар жараёнида ўзларнинг билимга чанқоқлигини, берилган топшириқларни ўз вақтида бажариш қобилиятини таъминлашга эътибор қаратган, яқини назоратларда аъло баҳо олган ўн тўққиз нафар профилактика инспек-

торига Ички ишлар вазирлигининг Фахрий ёрлиги ва эсдалик совгаларини Ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов топширди.

— Профилактика инспектори биринчи навбатда одобли, муома-

лали, фикрлаш доираси кенг бўлиши керак. Жамоат тартибини сақлашга масъул ходим маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирларда қатнашиб, ота-оналар билан суҳбатлаштириш лозим, одамларнинг дардини билиш санъатига эга бўлмоғи зарур, — дейди Беруний тумани ИИБ 44-милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Файрат Абдуллаев.

Равшан ШОДИЕВ

Тадбир

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ЮНИСЕФ ҳамкорлигида «Соғлом бола ҳафталиги» ниҳоясига етмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида олти ойлик чақалоқдан тортиб, беш ёшгача бўлган болаларни соғломлаштириш, хусусан, уларни «А» витамини ва антигельминт препаратлари билан таъминлаш кўзда тутилган.

«А» ВИТАМИНИ

Тадбирда мутахассислар «А» витамини инсон иммунитетини мустаҳкамловчи энг муҳим микроэлемент эканини, унинг етишмаслиги кўриш қобилияти пасайишига, қизамиқ, диарея ва ўткир респиратор каби юқумли касалликлар туғдиришига эътибор қаратди. Ҳозир дунё миқёсида «А» витамини саплементацияси дастури амалга оширилмоқда. Шу тариқа ҳар йили 300 мингдан зиёд бола ҳаёти сақлаб қолинаётир.

Мамлакатимизда 2002 йилдан буён «А» витамини етишмаслигининг олдини олиш бўйича махсус дастур амалга оширилмоқда. У «Микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган. Шу асосда «А» витамини саплементацияси тадбирлари ўтказиб келинади. «Соғлом бола ҳафталиги» лойиҳасига мувофиқ, ҳар сафар 2 миллион нафардан зиёд бола соғломлаштирилади. Бу, ўз навбатида, микронутриентлар танқислиги билан боғлиқ касаллишни ҳолатлари, шунингдек, турли туман нуқсонлар, паст бўйлилик ҳамда болалар ўлими билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилаётир.

Жумладан, ҳафталик доирасида малакали мутахассисларнинг вилоятларга юборилиши орқали фертил



ёшидаги аёллар ва ўсимир қизларни шифокор-мутахассислар кўригидан ўтказиш, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг тиббий маданиятини янада оширишга қаратилган профилактик тадбирлар ўтказилапти. Қорақалпоғистон Республикасида «А» витамини таъминоти билан бирга, икки ёшдан беш ёшгача бўлган 150 мингдан ортик болаларга антигельминт ҳам тарқатилмоқда. Бу илк бор ўтказилаётган кўшма лойиҳалардан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, аҳоли ўртасида болаларни кўрак сути билан озиклантиришнинг аҳамияти ҳақида суҳбатлар, «А» витамини саплементацияси ва гижжага қарши профилактика, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш бўйича яхлит чора-тадбирлар амалга оширилади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

БОШ СОВРИН КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

Яна бир неча кундан сўнг футбол бўйича XIV Европа чемпионати голиби номи маълум бўлади.



Мусобақанинг чорак финал баҳслари ниҳоятда шиддатли ва муросасиз кечиб, қуйдаги натижалар қайд этилганди: Чехия — Португалия — 0:1, Германия — Греция — 4:2, Испания — Франция — 2:0, Англия — Италия — 0:0 (пен. бўйича — 2:4). Финал олдидан ўзига хос финал номини олган Португалия — Испания терма жамоалари баҳсининг асосий ва қўшимча вақтида ҳисоб очилмади — 0:0. Пенальтилар сериясида эса омад испанларга кулиб боқди — 4:2. Иккинчи финал йўлланмаса тақдирини Германия — Италия

терма жамоалари учрашувида ҳал бўлди. «Кўхна қитъа» чемпионатида энг кучли таркиби билан таширф буюрган Германияликлар кутилмаганда рақибларига имкониятни бой берди. Бутун учрашув давомида уюшқоқлик ва тезкорлик билан майдонда ҳаракат қилган Италия футболчилари ишончли ғалабани кўлга киритдилар — 2:1.

Эртага Киевда XIV Европа чемпионати финал учрашуви бўлиб ўтади. Унда амалдаги Европа ҳамда жаҳон чемпиони — Испания вакиллари Италия терма жамоасига қарши майдон-

га тушади. Эътиборлиси, мазкур икки жамоа мусобақанинг «С» гуруҳида Хорватия ҳамда Ирландия футболчиларини ортда қолдиришганди. Уларнинг гуруҳда кечган ўзаро баҳсида 1:1 ҳисоби қайд қилинган.

Эслатиб ўтамиз, гуруҳ босқичининг сўнгги турида Испания терма жамоаси Хорватия футболчилари билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнашганда, Италия қандай ҳисобда ғалаба қозонишдан қатъи назар гуруҳда қолиб кетарди. Аммо унда испанияликлар 1:0 ҳисобида зафар кучишган.

Эркин ХОЛБОБОВ



MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Muhammadin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Tat'yana KISTANOVA	MUHIYODINOV
Bobir ALIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	OCHILBOY RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	G'affor HOTAMOV	Saidahmad SAIDAHMAD
Murodulla ABDULLAYEV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kutilibyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonada mahalliy Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 646
17088
nuxxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **Alisher RO'ZIYEV**

Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5